



АДОЛАТ



Ўзбекистон
«Адолат»
СДП
газетаси

✧ 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✧ 1998 йил, 30 октябрь, № 43 (186) ✧ Жума кунлари чиқади ✧ Сотувда эркин нархда ✧

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Кейинги вақтларда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда мамлакатимизнинг кўп жойларида шўх-ратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одалари ва аъёналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрафда яшаватган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби эскидан қолган асоратларга йўл қўйилмоқда.

Бундай ҳуқуқ одаларга берилган давлат хизматидаги баъзи ўзини йўқотган, лавозимини суиистеъмол қилаётган раҳбарлар, оёғи ердан узилган, манманликка берилиб кетган ҳавойи мансабдорларнинг номақбул ҳаракатлари маҳалларда, истиқомат жойларида соғлом муҳит бузилишига сабаб бўлмоқда, оддий одамларнинг нафосиятларига тегишмоқда, уларнинг адолатга, умуман давлат ҳокимиятига ишончига зиён етказмоқда.

Утганларнинг хотирасига бағишланган маъракаларни ҳам ўтказётган дабдабали равишда ўтказишлар ота-боболаримиздан қолган миллий расм-рўсуларимизга путур етказиш, муқаддас аъёнларимизни обрўсизлаштиришга олиб келмоқда.

Маъзур иштишларнинг носоғлом мусобақага айланиб кетиш ҳоллари дабдабали тўй-ҳашамларни ўтказишга қурби етмаган ор-номусли кишиларни оғир аҳволга туширмоқда.

Энг ачинарли томони шунки, бундай сохта ҳужажуринлик одалари ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Улар бу каби номақбул аъёнлар ва одаларга айланиб бораётган ҳолатларга чек қўйиш ҳақидаги талабларини билдирмоқдалар. Уларнинг эҳтиёжларидан ортиқ маблағларини ҳалқимизнинг азалий одаларига амал қилиб, хайр-эхсон, меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожларга, бева-бечораларга ёрдам бериш, турар жойларини обод қилиш, йўллар, қўриқлар қуриш, ишлаб чиқаришга сарф қилиш — шундай олижаноб саъй-ҳаракатлар орқали эл-

юрт олдида ўзларига ҳақиқий обрў орттириш юзасидан тақлифлар ва маслаҳатлар бермоқдалар.

Юқоридагиларни назарда тутиб:

1. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасига:

а) Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда ҳалқимиз табиатига ёт бундай ҳуқуқ ҳолатларга зарба бериш, олдини олиш, чек қўйиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш тасвсия этилсин;

б) муқаддас динимиз, қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва аъёнларимизнинг ҳақиқий моҳиятини ҳаётӣ, таъсирчан мисоллар асосида кенг ҳалқ оммасига мунтазам етказиш қатъий йўлга қўйилсин;

в) жамоатчилик кенгашлари билан ҳамкорликда замон талабларига мос, ҳалқимизнинг қарашларига мувофиқ келадиган янги, намунавий аъёнларни ташкил қилиш ва жорий этиш топширилсин.

2. Оммавий ахборот воситалари маъзур Фармонда кўтарилган масалаларнинг асл моҳиятини, намунавий аъёнларни кенг тарғиб қилиш, миллий қадриятларимизга зид, тараққиётимизга тўқсинлик қилаётган иллатларга қарши жамоатчилик фикрини шакллантиришга алоҳида эътибор берсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратура-раси давлат ташкилотлари, маъмурий — ҳуқуқий идоралар ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари, мансабдор шахслар томонидан юқорида кўрсатилган номаъқулчиликларга йўл қўйилган ҳолатларни амалдаги қонунчилик асосида қўқур урганиб, тегишли ҳуқуқдорлар чикарсин ва зарур чоралар қўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1998 йил 28 октябрь.

Фармон ва шарҳ

КИМКИ МАНМАНЛИК УРУҒИНИ СЕПСА ҲАЛОКАТ МЕВАСИНИ ЙИҒАДИ

Ҳар қандай хавфли ижтимоий иллат, оғир жиноят ва адолатсизликнинг илдири хусусида жиддийроқ ўйлаб қарасак, уларнинг замирида қонунларни менсимаслик ёки билмаслик, манманлик, шўхратпарастлик, очкўзлик, таъмағирлик, порахўрлик, ахлоқсизлик каби салбий иллатлар ётади. Бундай яра ўз вақтида кесиб ташланмаса оғир оқибатларга олиб келиши аён.

Ушбу Фармон ҳам менинг назаримда ўз вақтида назил бўлди. Чунки унда айтилганидек, сохта ҳужажуринлик одалари ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

«Адолат» газетаси утган йили ўз саҳифаларида бу масалаларга кенг урин берди. Айни пайтда тахририятга келаватган хатларда ҳам жойларда тўй-ҳашамларнинг, ҳатто дафни маросимларининг носоғлом ҳолатига айланиб кетиш ҳоллари баён этилади.

Яқинда Қорақалпоғистонда бир тўй бўлди, бир тўй бўлди... Асти қўверинг. Эрталабда айилганидек, фалончи уч кеча-уч кундуз тўй берди.

Оддий фўқаролар пахта йиғим-терими учун жон-жаҳди билан меҳнат қилаётган бир пайтда бир катта амалдор илгариги подшоҳлар давридагидан ҳам зўр қилиб, уғлига суннат тўй ўтказди. Тўйда катта-кичик амалдорлар зир югурди. 30 нафар амалдор 30 хонадонда қўйлар сўдириб, қўюқ-сўюқ, тансиқ таомлар билан меҳмон кутди. Тўйга келган машиналар сони қарийб 500 тага етди. Хоразм ва Турк-мастондан келган қўшқичлар қўшқич айтиб, раққосалар ҳар жой, ҳар жойда

қарсиллатиб рақсга тушдилар... Қистир-қистир авжига чикди. 200 сумлик купюра пулнинг пачкалари йиртилиб, раққосалар узра сочилиди... Бу-ку Ўзбекистоннинг бир чеккасида бўлаётган бир гап... Пойтахтда-чи? Бошқа жойларда-чи? Ҳозир рестороанларда минглаб кишиларга ош берадиган, катта «базму-жамшид»лар қилаётган айрим «хотамтой» раҳбарларимиз йўқми? Айрим маҳаллий раҳбарлар шундай қилгач, амалсиз бойваччалар қўл қовуштириб туришадими? Албатта уларга эргашиб, ҳатто ундан ҳам ўтказиб тўй қилишадилар! Шундай қилиб, ким узарга тўй қилиш пойғаси авж олаверади. Бунинг оқибатида эса бечора оддий халқ азоб чекади...

Холсанлиллоҳ айтсак, ҳозирги урфа айланган тўйларимиздан кейин аксарият кишилар қарзга ботиб, узоқ вақтга-ча ёмай-ичмай, уни узишга мажбур бўладилар. Бунинг натижаси эса қўпичча турли фоживаларга олиб келади. Қўллаб оилалар эса шу тўфайли бузилиб ҳам кетмоқда.

Эл қатори тўй қиламан деб қарзга ботиб, натижада оила аъзоларининг яхши қилиш, яхши ёйиш ниятларидан маҳрум бўлинадиган бўлса албатта бу ишда савоб эмас, ғуноҳ ортадиб қўйилади. Зеро, фарзанд, ота-она нафақаси фарз, тўй каби маросимлар эса нафл. Яъни ихтиёрий савоб ишлар.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

ПРЕЗИДЕНТ АНҚАРАГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирал тақлифига биноан, Туркия Республикасининг Миллий байрами — Республика Мустақиллигининг 75 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун 28 октябрь куни Анқарага жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида давлатимиз раҳбарини Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи уринбосари И. Журабеков, пойтахт ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Умур Алайдин ҳам бор эди.

АНҚАРА, 28 октябрь. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркия Республикасининг Миллий байрами — Республика эълон қилинганнинг 75 йиллиги тантаналарида иштирок этиш учун Анқарага келди. Эсен-бўга аэропортида давлатимиз раҳбарини

Туркия Президенти Сулаймон Демирал ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Туркия Президентининг қароргоҳида икки мамлакат давлат раҳбарларининг якка-ма-якка суҳбати бўлди. Ислам Каримов туркиялик ҳамкасбини қўтлуг байрам билан самимий муборакбод этиб, Туркия раҳбариятига миллий истиқлолни янада мустаҳкамлаш, мамлакатни ҳар томонлама обод этишда янги муваффақиятлар, турк халқига эса фаровонлик ва бахт-саодат тилади. Сулаймон Демирал байрам тантаналарига келгани учун Ислам Каримовга миннатдорлик билдирди. Бу Ўзбекистон ва Туркия ҳамда икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстона, самимий муносабатларни яна бир қарра тасдиқлашни таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Туркия муносабатларига оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидлаш керакки, Туркия Республикасининг миллий байрами кенг миқёсда нишонланмоқда. Анқарага йигирмага яқин мамлакатнинг давлат раҳбарлари, ҳаммаси бўлиб қарийб 70 мамлакат делегацияси ташриф буюрган.

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

АНҚАРА, 29 октябрь. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бугун эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркия пойтахтида турк халқининг йўлбошчиси Мустафо Камол Отатурк хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуига ташриф буюрди. Бу ерда Отатурк қабрига гул қўйиш маросими бўлди.

Ислам Каримов ва Туркия миллий байрами тантаналарининг бошқа иштирокчилари мамлакат парламентига ташриф буюрдилар. Бу ерда Каспий денгизи ва Марказий Осиё нефть ва газини жаҳон бозорига етказиб бериш тўғрисидаги Анқара декларацияси имзоланди. Ҳужжатга Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов, Туркия Президенти Сулаймон Демирал, Туркия Бош вазир Месут Йилмаз, Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиев, Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ва кузатувчи сифатида АҚШ ёқлиги ва энергетика вазир Билл Ричардсон имзо чекидлар.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг меҳмонлар Президент С. Демирални байрам билан қўтладилар. Шу ернинг ўзида Туркия Буюк Миллат Мажлиси раиси Ҳикмат Четин номидан тантана иштирокчилари шарафига қабул маросими уюштирилди.

Куннинг иккинчи ярмида давлатимиз раҳбари шаҳар отчопарига келди. Байрам тантаналарида қатнашиш учун ташриф буюрган барча меҳмонлар шу ерда тўплади. Туркия Республика деб эълон қилинганнинг 75 йиллигига бағишлаб тантанали ҳарбий парад бўлиб ўтди.

Бугун Президент Ислам Каримовнинг Туркияга сафари ниҳоясига етди.

Куннинг иккинчи ярмида давлатимиз раҳбари шаҳар отчопарига келди. Байрам тантаналарида қатнашиш учун ташриф буюрган барча меҳмонлар шу ерда тўплади. Туркия Республика деб эълон қилинганнинг 75 йиллигига бағишлаб тантанали ҳарбий парад бўлиб ўтди.

Бугун Президент Ислам Каримовнинг Туркияга сафари ниҳоясига етди.



Айни пайтда пахтакорларимиз ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамойи етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш билан бандлар. Бўқа туманининг Қўқорол жамоа ҳўжалигида ҳам мўл-ҳосил етиштирилди. Теримчилар ва ҳашарчилар ҳосилни бир чаногини ҳам нес-

нубуд қилмай териб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

СУРАТДА: жамоа ҳўжалигининг 3-бригада ҳисобчиси Икром Каримов ва бригадир Жоникул Худойқуловлар теримчилар терган пахталарни тарозидан ўтказмоқдалар.
Хўсанбой АБВАЛОВ олган сурат.

«ЕР СИЛКИНИШЛАРИ ВА СЕЙСМИК МУСТАҲКАМ ҚУРИЛИШЛАР»

Табиий ва техноген қурилишдаги табиий офатларни бартараф этиш халқаро ташкилотининг Германия қўмитаси раҳбари Кристиан Эйкенберг бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлигига ташриф буюрди.

Фавқулодда вазиятлар вазир Баҳодир Қосимов меҳмонлар билан учрашувда вазирлик фаолияти, табиий ва техноген қурилишдаги офатларнинг олдини олиш бўйича хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача тўхтади.

Учрашувда фавқулодда вазиятлар бўйича икки мамлакат ҳукумат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан узаро фикр алмашилди. Шунингдек, бу ерда германиялик меҳмонлар, мамлакатимизнинг мутасадди вазирлик, муассаса ва ташкилотлари вакиллари иштирокида «ер силкинишлари ва сейсмик мустаҳкам қурилишлар» мавзуда кенгаш бўлиб ўтди.

(ЎЗА)

ЮРТБОШИ ЎГИТЛАРИ

✧ Эتيқод ва иймон бир либос эмаски, бугун бунисини ечиб ташлаб, эртага ангисини я кийсанг.

✧ Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди... Виждон билан, иймон билан, динбат билан ўйнашиб бўлмайди.

✧ Меҳр-оқибат, мурувват бўлмаган жамият ҳалокатга маҳкумдир.

✧ Ҳар ким савоб иш қилсин, ҳар кун савоб иш қилсин.

✧ Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади, дейдилар.

✧ Биз орзу этган буюк давлатни бунёд этиш барчамиздан мустаҳкам ирода, им он-этиқод, миллий гурур туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади.

✧ Виждон олий ҳакамдир. Бунни унуттишга ҳаққимиз йўқ. Бизда барчага қонун билан виждон эркинлиги берилган. Иймон-этиқод дахлсизлиги учун тегишли имкониятлар яратилган.

ҚОЗҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ Н. НАЗАРБЕКОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ТўҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 1998 йил 30—31 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.



• Ўзбекистон Республикасининг Бельгиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ш. Ҳамроқулов Брюсселда бельгияликлар Қироли Альберт II га ишонч ёрлиқларини топширди.

• Врачларнинг талаби билан Россия Президенти Борис Ельцин Австрияга бормади. Унинг ўрнига Россия Бош вазир Евгений Примаков расмий ташриф билан Венага жўнаб кетди. Ушбу ташриф илгари режалаштирилган тўла дастур доирасида ўтади.

• Туркменистон Президенти Сапармурод Ниязов учинчи марта Туркменистон Қарамони бўлди. Унинг «Олтин ой» билан мукофотлашни республика мустақиллигининг 7 йиллиги байрами билан уйғунлашиб кетди.

• Грознияда Чеченистон муфтийси А. Қодиров ҳаётига суиксад қилинди. Муфтийнинг ўзи жароҳат олмади, лекин унинг ҳайдовчиси қаттиқ жароҳатланди. Портлаш шу даражада қўчли бўлдики, шу яқин орадаги бир канча уйлар бутунлай вайронага айланди.

• Кеча ГФР парламенти Герхард Шрёдерни мамлакат Канцлери этиб тасдиқлади. Германия ҳукуматини сўнгги 16 йил мобайлида бошқарган Г. Коль ана шу лавозимдаги ўзининг сўнгги кунда мамлакатнинг олий мукофоти — Катта Хоч билан мукофотланди. У ана шу мукофотга Канцлер К. Аденаурдан кейин иккинчи бўлиб сазовор бўлди.

• Бразилияда Перу билан Эквадор ўртасидаги тинчлик шартномаси имзоланди. Бу билан ана шу икки мамлакат ўртасидаги кўп йиллик чегара можаросига чек қўйилди.

• Аргентина Президенти К. Менем Буюк Британияга ўз ташрифини бошлади.

• НАТОнинг Югославияга қўйган талаблари муддати ниҳоясига етди. Ҳозир НАТО вакиллари Югославия Президенти С. Милошевич ўз мажбуриятларини жаҳон ҳамжамияти ва НАТО олдида қай даражада бажарганлигини қўриб чиқмоқдалар.

• Буюк Британиянинг «Бритиш Фивайс» авиакомпанияси самолётлари Қирғизистонга Грузия пойтахти — Тбилиси орқали қатнай бошлади. Айни пайтда Бишкекда ушбу авиакомпаниянинг ваколатхонаси ўз фаолиятини бошлади.

• Норвегия ҳукумати Мурманск вилоятига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мақсадида 4 миллион крон (салкам 500 минг доллар) ажратди.

• Туркия Россиядан Курд ишчи партиясининг етакчиси Абдуллоҳ Ожаланни қайтариб беришни расмий равишда талаб қилди. Тегишли нотани Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигига Туркиянинг Москвадаги элчиси топширди.

• Толибонлар ва толибларга қарши коалиция қучлари ўртасида ўт очишни вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисидаги битимга эришилган. Ана шу вақт тинчлик музокараларига тайёргарлик қўришга мўлжалланмоқда.

• Исроил парламентининг бир гуруҳ депутатлари Бош вазир Б. Нетаняху томонидан Фаластин мухторияти билан тинчлик битими имзоланганлиги муносабати билан муддатидан илгари сайловлар ўтказиш тўғрисидаги масалани қўриб чиқиш режасидадир.

• Лондоннинг олий суди бундан бир неча кун муқаддам ҳисбага олинган Чилининг собиқ диктатори А. Пиночет тақдирини ҳал қилмоқда. Испаниянинг уни беришларини қилган талабига энди Швейцария ҳам қўшилди. Эндиликда А. Пиночет диктаторлик қилган йилларида тўрт мингдан зиёд кишининг ўлимида айбланмоқда.



СУРАТДА: Куба, Гавана шаҳри манзараси.

• Ҳиндистоннинг Керала штатида катта тезлик билан бораётган автобус электр трансформаторига келиб урилди. Бунинг оқибатида автобусдаги 30 га яқин йўловчи тирқилди ёниб кетди. Автобусда 60 дан ортиқ йўловчи бор эди. Тирик қолган йўловчилар ҳам оғир жароҳатланди.

• Хабаровск ўлкасида йўловчилар тушган автобуснинг термий йўл юк вагонлари билан тўқнашув оқибатида 22 киши ҳалок бўлди, яна 26 киши касалхоналарга ётқизилди.

ДОНОЛАР ДЕЙДИ:

✧ Манманлик жиловини ушлаган киши хорлик оловини ушлайди.

✧ Инсон тўғриликл билан улугулик етади.

✧ Нафсга эрк бермасанг, жонинг саломат бўлади.

✧ Одам ўз элига яхшилик қилиш билан уларнинг улугуига айланади.

✧ Тама ўлаксадир, унга фақат ўлакса табиатли кишиларгина яқинлашади.

✧ Ҳар қандай нарсда исрофгарчилик бор, аммо яхшиликда исроф бўлмади.

«АДОЛАТ» ҲАМРОҲИМ БЎЛСИН

ДЕСАНГИЗ...

1998 йилнинг 15 сентябидан бошлаб республикамизнинг барча «Матбуот уюшмаси» жамиятларида ва алоқа бўлимларида «АДОЛАТ» ижтимоий-сиёсий газетасига 1999 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна баҳосини эътиборини ҳавола қиламиз:

Ташкилотлар учун: 12 ойга — 2220 сум
6 ойга — 1110 сум.
3 ойга — 555 сум.
1 ойга — 185 сум.
Нашр қурсаткичи 101. Яқка тартибдаги обуначилар учун: 12 ойга — 2220 сум.
6 ойга — 1110 сум.
3 ойга — 555 сум.

1 ойга — 185 сум.
Нашр қурсаткичи 100. ЭСЛАТМА: Вилоятлардаги обуначиларга газета етказиб бериш учун қурсатилган обуна нархи бир мунча ошиши мумкин.
«Адолат» ҳамиша ҳамроҳим ва суянчигим бўлсин десангиз, унга обуна бўлинг!

Акс садо

Абдулла ТУРДИЕВ

МАНСАБ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 21 октябрдаги Фармони гоят ҳаётий ва ҳаққонийлиги билан халқимиз юрагида кенг ва чуқур акс-садо бермоқда. Зеро, бу Фармон мансабпараст ва шухратпараст айрим лавозим эгаларига САОҚ бўлиши табиий. Айниқса Президентимиз Фармонидаги мана бу сатрларга эътибор беринг: «...ўтаётган шухрат-парастлик, дабдабозлик ва исрофгарчиликка йўл қўйгани, эл-юрт одаларини менсимгани, раҳбарлик шаъни ва обрўсига иснод келтиргани, шахсий манфаатлари йўлида эгаллаб турган давлат лавозимини суистеймол қилгани учун ... ўз вазифасидан озод қилинсин...»

Зеро, шоир қаламидан бир оғрик бўлиб... сим-сим қоғозга қўйилиб тушган ушбу сатрлар ҳам муҳтарам Йўлбошимиз фармонида ҳамоханг акс-садо-дир...

Ҳаёт бор эшигин қўш қўллаб очди,
Гулларни... пулларни бошингдан сочди.
Ётлар ачмоллашиб, дўстларинг қочди.
Сени афсонавор — зўр этди мансаб.
Бир қўргон тикладинг — ғиштлари метин,
Содиқ кул — хешларинг қуриб олмиш ин.
Вох, тоймас ошшадан не бўлса... текин —
Порага... ўзини тўр... этди мансаб.
Ховли-жой... машина... мол-дунё лак-лак,
Калбинг дарё эмас, минг йиллик қўлмак.
Айшингда беникоҳ аёллар эрмак.
Ҳаромга хонишинг жўр этди мансаб.
Ҳеч боги қўқармас — бахилсан, бахил —
Минг пўрим кийингил... юзларинг захил.
Ағёр деб ўйладинг... дўст бўлса оқил —
Аччиқ довуччадай гўр этди мансаб.
Азалдан чархпалак — бу дунёи дун,
Қулларнинг кетидан келаверар кун.
Кибр осмонидан тушманлар нечун —
Эвоҳки, қўзларинг кўр этди мансаб.
Аллоҳ ўз бандасин суяди ҳар дам,
Мансаб... гурур бериб қўйди кам-кам.
Танимал қолганга — Худосини ҳам —
Синовини паст-баланд — ўр этди мансаб.
Момиқдир, оппоқдир — қара, пахтага —
Мангу оқилгича яшайди... нега?
Элнинг кўз олдида... қора тахтага —
Ёзиб қилмишларинг бўр этди мансаб.
Замонлар шамолли ёвқур ва шитоб,
«Суймаган бандамни... суймайман!» — хитоб.
Ҳолинга маймунлар ййғлайди шу тоб —
Шўрлик пешонангни... шўр этди мансаб!!

Спорт хабарлари

Бокс

АРТУР ГРИГОРЯН ЯНА ЧЕМПИОН БЎЛДИ

Германиянинг Гамбург шаҳрида профессионал боксчилар орасида жaxon чемпиони унвонини олиш учун мусобақа бўлди.

Профессионал бокс муҳлисларининг сеvimли боксчиси ўзбекистонлик Артур Григорянни Гамбургдаги етти минг томошабин сигади-ган спорт мажмуида гулдур-рос қарсақлар билан қутиб олишди. Бу ерда у жaxon чемпиони унвонига даъвогар



италиялик Жорж Кампаньело билан учрашуви мўлжаллан-ган эди. 28 ёшли бу кучли спортчи 31 жандан 26 та-сида галаба қозонган, шун-дан 18 та учрашувда рақи-бини нокаутга учратган.

Учрашув ун раунд давом этди. Ҳал қилувчи унинг ра-ундда Артур Григорян ра-қибини нокаутга учратди. Бу галаба билан у жaxon чемпиони унвонини еттинчи марта сақлаб қолди.

Футбол

«ПАХТАКОР»НИНГ СОВҒАСИ

Яқинда пойтахтимиздаги марказий «Пахтакор» уйин-гоҳида футбол бўйича Осиё кубок эгалари кубогининг «Пахтакор» ва «Ниса» (Турк-манистон) командалари ўр-тасидаги тақрорий уйини бў-либ ўтди. Маълумки, ушбу командаларнинг дастлабки учрашуви Туркменистонда бўлиб, унда майдон эгалар-и 5:0 ҳисобида галаба қо-зонган эдилар. Тақрорий уйинда эса омад «Пахта-кор»чиларга қулиб боқди. Унда команда сардори Мир-жалол Қосимов иккита, Игорь Шквирин иккита, Александр Хвостунов билан Дилмурод Назаровлар бит-

тадан тўп киритиб, 6:0 натижа билан «Ниса»ни мағлуб этиш-ди. Икки учрашув ҳисоб-кито-бига қўра «Пахтакор»чилар



Осиё кубок эгалари кубо-гининг навбатдаги босқичи-га йўлланма олди.

Самбо

КУЧЛИЛАР САФИДА

Россиянинг Калининград шаҳрида няхосига ётган самбо бўйича жaxon чемпио-натига йигирма мамлакатдан энг кучли курашчилар кел-ди. Ўзбекистондан эса олти нафар спортчи иштирок эт-ди.

Икки таниқли самбочи — 1997 йилги жaxon кубоги му-собақалари гўлиби, 1998 йил-ги Осиё чемпиони ўзбекистон-лик Акобир Қурбонбоев Му-ғилстон вакили, 1998 йилги жaxon кубоги мусобақаси го-либи Улан Батаар билан фи-нал учрашуви мусобақадаги энг қизиқарли беллашув бўл-ди. Учрашувда гоҳ ўзбекистон-лик спортчининг, гоҳ муғил

спортчисининг қули баланд келарди. Нихоят Улан Батаар бироз афзаллик билан ку-рашни няхосига етказди. Акобир Қурбонбоев кумуш сов-риндор бўлди.

Бу мусобақада бешинчи урини эгаллаган Самат Рус-танов жaxon чемпионатида биринчи бор қатнашган бўл-са ҳам яхши натижа кўрсат-ди.

БМТ 1999 йилни ХАЛҚАРО КЕКСАЛАР ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИ



БМТ маъмулотларига қараганда, ҳозирда ер юзиди-га аҳолининг ҳар ун кишидан биттаси 60 ёшдан ошган-лардир. Бу ҳол вақт ўтган сайин ўзгариб боради. 2050 йилга бориб, ер юзиди ҳар ун кишига битта 60 ва ундан ошган кекса тўри келади. Иқтисодий тараққий этган мамлакатларда жамиятларнинг кексайиб бориши тобора аён кузга ташланаяпти. Ҳозирги кексаларнинг яшаш тарзлари ҳам аввалгилардан хийла фарқ қилади. Ҳозирнинг узида кекса ёшдаги кишиларнинг ярмидан кўпроғи шаҳарларда яшамоқда. Еки саксондан уттан-лар эса уларнинг қарийб 11 фойзини ташкил этади. Кексалар орасида аёллар сони нисбатан ортиқроқ.

БМТ кекса кишиларнинг аҳоли, ҳаёт шароитларини яхшилаш борасида юздан ортиқ аниқ-равшан тавсия-лар ишлаб чиққан. БМТ 1 октябрни Халқаро кексалар кунини деб белгиллаган.

Эндиликда 1999 йил халқаро кекса ёшли кишилар йили деб эълон қилинди. У «Барча ёшдаги кишилар жамияти сари олға» шiori остида ўтади. БМТ бу би-лан кексалар муаммоларига бутун жамиятлар, ташки-лотлар, бизнесменлар, сиёсатчилар, журналистлар эти-борини тортишни мақсад қилиб қуйган.

МАНСАБ

(2 ноябрдан 8 ноябргача)

КҮЙ — Ушбу

ҳафта фойдали тани-шувлар, баъзи мод-дий-молиявий ва ҳўжалик масалалар ўз ечимини то-пади. Яқинда кун ўз ис-такларининг наоман қили-шингизга имкон яратади.

БҮЗОҚ — Иш-

лардаги ўз-ўзингиз-га талабчанлик ҳеч вақт зарар қилма-ди. Моддий аҳолининг ях-шиланishi ўзингизнинг ҳаракатчанлигингизга боғлиқ. Гина-қудуратларни унутинг, яқин кишиларнинг муаммоларига эътибор қаратинг. Жисмоний зуриқш ва қучаниш соғлигингизга салбий таъ-сир кўрсатиши мумкин.

ЭҒИЗАКЛАР —

Сизнинг пул то-пиш андозангиз ҳафта-нинг даст-лабки кунларида панд бера-ди. Жиддий ютқишлар ва бир томондан иккинчи то-монга кескин ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Ҳаф-танинг иккинчи ярмида иш-чанлигингиз ўз кучини кўрсатади.

Яқинларингиз билан бўлган муносабатларда тез-кор ҳулосалардан эҳтиёт бўлинг.

КИСКИЧБАКА —

Ҳафтанинг бирин-чи ярмини қўндалик ишларга бағишланг. Ушбу даврда харид ишлари ва кўчмас мулкни сотиш ма-салалари билан шуғулланмасликка ҳаракат қилинг. Ҳеч кимга бирор на-рсани ваъда қилманг. Ойна-вий муносабатларда эски гина, эриқ-доллар юзага чиқishi мумкин.

АРСЛОН —

Бутун кўч-қувватингиз ва иродатингизни касб билан боғлиқ бўлган фаолиятингизга бағишлаш тавсия қилинади. Дам олиш кунлари эса ён-верингиздагилар билан бўлган мулоқотда айнакса эҳтиёт бўлинг.

ПАРИЗОД —

Баъзилар аввалла-ри ҳам қилинши қийин бўлган муам-моларни ечадилар. Даромад олишингиз учун ишонч ва имкониятлар маъжуд. Суйганингиз ва ёру би-родарларингиз билан бўлган муносабатларда муҳаббат ва меҳрга таянишга ҳаракат қилинг.

ТАРОЗУ —

Йирик моддий маса-лалар ечимини вақтинча қолдириб қўйинг. Асаб ва қувватингиз турли ишларни мувофиқлаштиришга керак бўлади. Дўстларингиз, се-вигилингиз ва ҳомилларингиз томонидан қатта ёрдам кел-лиши мумкин.

Қўтирилган вазиятларга таянч бўлинг. Чет эл билан бўлган алоқа ва ҳамкорлик-лар жуда омадли бўлади.

ЧАЕН —

Барча ҳўжат-ларни жуда диққат билан расмийлаштириш тавсия қилинади, акс ҳолда сези-ларли қўнғилсизликлар, ха-фаликлар ва омадсизлик эҳтимоли кўчаяди. Баъзи-ларни омадли харид ва сар-моялар кўтмоқда.

ЎКОТАР — Иш

доирасида ва баъзи йирик молиявий олд-бердилларда эҳтиёткорлик даркор. Агар-да ўзгаларнинг қайфияти ва манфаатларини тушунишга ҳаракат қилмасангиз ўз до-ирангизга сиғмай қолишин-гиз мумкин. Чоршанба ва жума кунларига муҳим иш ва тадбирларингизни режа-лаштиринг.

ТОҒ ЭЧКИСИ —

Ўз фикрингизда қаттиқ туришингиз, ўринсиз хавфси-рашларингиз қувватингизга путур етказиб, соғлигингизга ёмон таъсир этади. Бирок иш доирасида масалалар моддий-мо-лиявий муаммоларнинг муваффақиятли ечимига ишончингизни қозинг. Ду-шанба, чоршанба ва яқин-да кунлари юзга келадиган вазиятларни хотиржам таҳлил қилиб, тинч қабул қилишга ҳаракат қилинг.

КОҒБА —

Ушбу даврда ўра-шув, мулоқот ва машваратлар қатта аҳамият касб этади. Турли масала ва мақсадларга ўзга-ча ёндошув эса яқин кунлар-да яхши натижалар олиб ке-лади.

Ойлангизда юксак дара-жада қўшумомалик, сабот ва ҳаракатлар талаб қили-нади.

БАЛИК —

Маъмур қулир мод-дий молиявий йўналишларда омадли ечимлар ваъда бермоқда. Ҳамкорлик шар-тиномалари, дўстлар билан учрашувлар ва сафарлар айнакса омадли бўлишини қўтиш мумкин.

МАҚОЛАДА КЕЛТИРИЛГАН ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

УЧУН ФАҚАТ МУАЛЛИФЛАР ЖАВОБ БЕРИЛАД.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Қорхона манзили: «Ўзбек Турон» кўчаси, 41.

Босишга топишириш вақти — 21.00.

Босишга топишириш вақти — 21.30.

МАНЗИЛИМИЗ:

700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.

Оқланмаган фильмлар

2. «...ҲОКИМИЯТ КИМНИКИ?»

Шўролар таъқиб остига олган яна бир фильмнинг номи шундай. Бу асар тоталитар тузум мафкурасига мутлақо мос келмагани-дан бўлса керак, у ҳақда матбуот саҳифала-рида ҳам, киностудия архивида ҳам, айрим ижодкорларнинг шахсий архивида ҳам бирор маълумот қолдирилмаган. Фильмни йўқ қи-либ ташлаганлар, тақриз эълон қилинмаган, сценарийнинг бирор нусхаси сақланиб қоли-маган. Асарни кўрган бирор томошабиннинг хотираларини эшитиш имкони бўлмади. Кино тарихида камдан кам учрайдиган воқеа бу.

кимники?» фильми бошидан охиригача совет ҳокимияти-га тўхматдир. Яна бир ко-миссия аъзосининг ҳулосаси шундай: «Ҳокимият кимни-ки?». Бош ролда Н. Га-ниев. Бу бадиий фильминг совет ҳокимиятига бағиш-ланган асар, деб бўл-майди. У кўпроқ бойлар-нинг совет ҳокимияти бил-лан мусобақасини кўрсат-тади. Хато-ку бу. Образ-лар ишонарли чиқмаган. Бунинг устига бойлар ва муттаҳамлар образлари

таъсирчан чиққан. Воқеалар қишлоқда содир бўлади. У ерда бойлар ҳўкмор-лик қилади. На партия бор, на комсо-мол. Бойларнинг жиноятини сезишга қо-дир бўлган бирор шахс ҳам кўрин-майди... Совет ҳокимияти органларини соғломлаштиришда партиянинг роли мутлақо кўрсатилмаган. Картинада ла-ганбардорликка йўл қўйилган. Маориф комиссари рамзи Охунбоев кабинети-да суратга олинган. Кино тармоқлари эса унинг қарамоғида бўлган...

Бу жумлаларда янги маълумотларни ў-ратасиз: ўзбек киносининг асосчиси Наби Ганиев илк асариде режиссерлик қилибгина қолмай, роль ҳам ижро этган. У ижода «пар-тиявийлик принципларига амал қилиш» талаб этилган даъда, большевикларнинг яхшақў-монлик қилишга бўлган интилишини, даъво-сини эмас, йирик ер эгалари нимадан бойи-ганини кўрсатишга журят этган...


Фильм ҳақида сунгги маълумот. Уни На-би Ганиевнинг терговдаги жавобидан олди-к: «Бир қисмли картина «Ҳокимият кимни-ки?» — Ўзбекистоннинг биринчи карти-наси. Сценарийни Лолаҳон Сейфуллина ёзган. Мен Қизил Армия аскарни ролини уйнаганман... Бу фильм учун 300 сўм пул мукофотини олганман. «Қизил Ўзбекист-он» газетаси орқали менга миннатдор-чилик билдирилган».

Бу жавоб сўзидан кўриниб турибдики, На-би ака киносинг овозсиз давридаёқ сцена-рий пухта бўлишини кўзда тутиб, Лола Сейфуллинадек адб билан ҳамкорликда иш-лаган. Шунингдек, режиссернинг эътиро-ф этишича, асар гоёси анчагина мураккаб, ба-диий тўқимада ўз аксини топонгиди, шўро-лар мафкураси ҳомилларининг онгига етиб бормаган. Режиссер мукофот ҳам олган. Ле-кин теъда фильм ҳам, унинг ижодкори ҳам ҳибсга олинган.

Шундай қилиб, ҳақ сўзани айтмоқчи бўл-ган Наби Ганиев ижоди йўлида тўғаноклар пайдо бўла борган. Унинг «Насриддин сар-гузашуларни» комедиясини «Правда» қаттиқ танқид қилган, «Фаргона қизи» драматини яна бир марказий газетга қоралган. Булар ҳақида кейинги мақолаларимизда ҳўқоя қи-ламыз.

Ҳамидулла АКБАРОВ.

БОЗОР — ТЎКИНЧИЛИК МАНБАИ



Мустақиллигимизнинг етти йиллиги арафасида мамлакатимизда жуда қўнғай янги иншоотлар қўйдаланишга топширил-ган эди. Улардан бири Тошкент вилоятининг Ок-қўрган туманидаги «Дех-

кон бозори»дир. Маъмур бо-зор энг замонавий усулда қурилиб, сотувчилар ва ха-ридорлар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бир-биридан шинама савдо рас-талари, емақхона, сарта-рошхона, фуқароларнинг

тегишли маҳсулотларни харид қилишмоқда.

СУРАТЛАРДА: янги иш-га туширилган «Дехкон бо-зор»дан лавҳалар.

Хусанбой АББАЛОВ олган суратлар.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ ҲИҚМАТИ

• Инсон яхши тарбия қўрмаган ва турмушда тажриба ор-тирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга намайди ва улардан жиркансади.

• Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошлангич асос инсонийликдир, шунинг учун инсоният туркумига кирган-ликларни тўғайди ўзаро тинч-тўғулиқда яшашмоқликларни лозим.

• Таълим сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш ва тажриба билан ўргатилади, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакалардан иборат бўлган иш-ҳаракатга, касб-ҳунарга берилган бўлишидир.

• Ўзида ўн икки хислатни бирлаштирган кишигина аҳолини одам бўла олади:

1. Бундай одамнинг барча аъзолари шу даражада мукаммал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу аъзолари билан баямроқ-чи бўлган барча ишларни осонлик билан амалга ошира олин.

2. Барча масалани, муҳокима ва мулоҳазани теъда ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини аниқ оладиган, сўзловчи-нинг мақсоди, айтилган фикрининг чинлигини теъда пайқай ола-диган бўлсин.

3. Хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган-ёшитган, сезган нарсаларининг бирортасини ҳам эсдан чиқармай, ёдда сақлаб қоладиган бўлсин.

4. Зеҳни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарса-

нинг аломатини сезиши билан бу аломат инмани билдиришини теъда билан олсин.

5. Сўзлари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган муло-ҳазасини равои ва равшан баён эта олсин.

6. Билиш ва ўқишга муҳаббат бўлсин, ўрганимоч бўлган билимнинг чарчашини сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин.

7. Оқилланишга, ичмалик истеймоа этишда оқуқ бўлмасин, табиати қимор уйиларини уйнашдан ўзоқ бўлсин ва улар ке-лирадиган хурсандликлардан жирканадиган бўлсин.

8. Ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлгон ва ёлгончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин.

9. Руҳининг гурури ва виждонини қайрайдиган бўлсин, уни-нг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юқори ва олимжаноб ишларга ишлатиладиган бўлсин.

10. Дирҳам, динар ва шу каби турмуш буюмларига жирка-ниш билан қарасин.

11. Ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолатсизликка, жабр-зулм утқауулиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамларни ва бошқаларга адолатли бўлсин, гуъал ва яхши ҳисоб-ланган нарсаларини барчага тақдир этган ҳолда одамларни адо-латга тарғиб этадиган, адолатсизлик оқибатларини йўқотадиган, уларга йўл қўймайдиган бўлсин.

12. Адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдиди қарарлик қилиб, ўзинибаъжонликка берилмасин, асени жар қан-дай адолатсизлик, пасткашанк олдиди афған бўлсин, ўзи заҳур деб билган нарсасини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, қўрқмас, жасур бўлсин, қўрқини ва оқиллигини билмасин.



Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодкор жамоаси.

ҲОМИЯ: Ўзбекистон Республикаси «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти.

Бош

муҳаррир:

Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тўғрунпўлат ДАМИНОВ, Абдували ҒУЛОММАХМУДОВ, Улуғбек ДОНИЕВОВ, Нажмиддин КОМИЛОВ, Ҳалим БОБОВЕВ, Анвар ЖЎРАБОВ, Акмал КОСИМОВ, Тўхтамурод ЖЎРАЕВ, Рустам АХМАДЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Акбархўжа РАҲИМОВ, Раъшан ҲАЙДАРОВ, Рустам КОСИМОВ.

Мулоқот учун

телефонлар:

Қабулхона — 133-41-89.
Котибият — 136-55-64.
Эълонлар бўлими:
136-55-96.

Навбатчи —

Ҳикматулло ҚОДИРОВ.

Рўйхатдан ўтиш

тартиби № 140.

Буюртма Г — 0435,

ҳажми — 2 табоқ, Офсет

усулида босилган.

Қоғоз бичими А—2

Газета IBM

компьютерига

терилиди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар

учун фақат муаллифлар жавоб берадилар.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Қорхона манзили: «Ўзбек Турон» кўчаси, 41.

Босишга топишириш вақти — 21.00.

Босишга топишириш вақти — 21.30.

МАНЗИЛИМИЗ:

700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.